

«Т АСДИҚЛАЙМАН»

Денов туман тиббиёт

бирлашмаси бошлиғи

И.Г.Юсупов

« 01 » 01 2022 йил

Денов туман Тиббиёт бирлашмаси қарашли Поликлиника ОП, ОШПлар бўлимлар учун ётоқ
жамланмасига
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Иштрокчилар учун маълумотлар
1	Объект номи	Денов туман Тиббиёт бирлашмаси қарашли поликлиника ОПлар,ОШПлар ва бўлимлар учун ётоқ жамланмаси
2	Буюртмачи	Денов туман Тиббиёт бирлашмаси маси
3	Объектнинг жойлашган урни	Сурхондарё вилояти Денов тумани "Водий" маҳалласи
4	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблағлари ҳисобидан
5	Катнашувчилар учун талаблар	Ишлатадиган товар хом ашёларнинг 100% пахта матодан сифати,кафолат муддати,Махсулотларга 12(ўн икки)ой давомида кафолат бериши ва бепул алмаштириб бериш кафолати.Махсулотлар учун 1йил мобайнида раҳбар ўзи жавобгарлиги тўғрисида шахсий имзоси билан тасдиқланган кафолатхати асли нусхаси сканер қиб жойлансин ҳужжатларидан курсатилган махсулотни сифатлик ва қисқа муддатда бажариш ва ўз вақтида топшириш
6	Тижорат таклифи тақдим этиш шартлари	Ташкилот низоми ва рўйхатдан утказилгани тўғрисида гувоҳ,нома, солиқдан ва бошқа мажбурий туловлардан каарзи йўқ,лиги тўғрисида, техникалар рўйхати, қ,айси турдаги солиқ,туловчи эканлиги тўғрисидабажарилган ишларини бажариш учун етарли, малакали мутахассис кадрларнинг мавжудлиги , иштирокчиларнинг охирги бир йил мобайнида бажарган ишлари ҳамда конкурс объектига ухшаш объектларда бажарган ишлар тўғрисида (Гос.АКТ)лар тақдим этиши шарт.
7	Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	Бажарилган ишлар далолатномасига мос ҳолда туланади
8	Иш тури	Техник топшириқда курсатилган ишларни бажариш
9	Ишни бажариш муддати	Шартнома имзоланиб олдиндан 30 % тулов утказилган сўнг 5 кун муддати ичида бажариш
10	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги коидаларига тулик риоя қилишлари шарт
11	Бажариладиган ишлар	10 410 000 (Ун миллион тўрт юз ун минг) сўм

Шартномалар бўйича ҳисоби:

Б.Назаров

«ГАСДИҚЛИМАН»

Денов туман тиббиёт бирлашмаси
комиссиясининг раиси



И.Г. Юсупов

2022 йил

**ДЕНОВ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ КАРАШЛИ
БЎЛИМЛАРИГА ПОСТЕЛЬНЫЕ БЕЛЁ ВА МАТРАС ТАЙЁРЛАШ
УЧУН**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Денов туман -2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Денов туман тиббиёт бирлашмаси қарашли Бўлимга Постельные Белё ва матрас тайёрлаш

1.2. Танловнинг юкори қиймати-10 410 000 (Ун миллион турт юз ун минг)сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Танлов ҳужжатларида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.б.Ишларни бошлаш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1.Денов туман тиббиёт бирлашмаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Денов туман С.Отабоев СИУ водий маҳалласи шифокорлар кўчаси 2-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Денов туман тиббиёт бирлашмаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, иш тажрибага ҳамда юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги:

- 684-Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталанганлиги
- Ишлаб чиқарилган товарларнинг сертификатланганлиги
- Солик ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги йўқлиги туғрисида
- Катнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, миқоз билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида булмаганлиги туғрисидаги қафолат хати.
- Иштирокчи қорхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувоҳнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар
- Иштирокчи қорхонанинг омборида тегишли хом-ашё ва метериаллар мавжудлиги
- Ишларни бажариш муддати Қафолат хати
- Ноҳалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги туғрисида маълумот

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар(хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши, сертификатлаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиши(ажралиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арасида турганлар; мол- мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қилишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варогини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда электрон кўринишда тақдим этишлари лозим.

4.3. Кўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ҳужжатлар бўйича кўйидаги таклифлар:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар қиритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар қиритилган санадан эътиборан қамидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш қиритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қамидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузиладиган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Танлов комиссияси аъзолари



Бosh врач маоуни

Бosh хисобчи

Бosh мухандис

Касаба уюшмаси раиси

Шарнома хисобчиси

А. Курбонов

З. Баратов

Б. Очидиев

З. Саидов

Б. Назаров